

## Мадинаи Мунавварада китоб кўргазмаси бошланди



15:30 / 02.08.2025 768

2025 йил 29 июлдан Мадинаи Мунавварада китоб кўргазмасининг 4-даври бошланди. Бу ҳақда [asharq.com](http://asharq.com) сайти хабар берди. Кўргазма «Адаб, нашр ва таржима» қўмитаси томонидан ташкил қилинган. Кўргазмада 300 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро нашриётлар иштирок этмоқда. Тадбир Қирол Салмон халқаро конференция марказида бўлиб ўтмоқда.

Маросимда Миср, Сурия, Тунис, Марокаш, Буюк Британия, Швеция каби 10 та араб ва хорижий давлат нашриётлари қатнашмоқда. Бу тадбир Саудия Арабистонидаги «Китоб кўргазмалари ташаббуси» доирасида ўтказилмоқда. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад нашриёт соҳасини ривожлантириш, маданий-маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тадбир мактаб ва олий ўқув юртларининг ёзги таътил даврига тўғри келгани сабаб, ёшлар ва ўсмирлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларга ўқув ва кўнгилочар интерактив дастурлар, шунингдек, болалар учун алоҳида майдончалар ҳам ташкил этилган.

Кўргазма доирасида анжуманлар, мунозарали мажлислар, маърифий ва амалий семинарлар шу билан бирга китоб муаллифлари билан дастхат қўйиш лойиҳаси ҳам ўрин олган.

Ушбу кўргазма Мадина шаҳрининг илм-фан ва маданият маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кўргазма 4 августгача давом этади